

**БУХОРО ШАҲАР ЕРЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА “URBAN LAND SURVEYING”
МОБИЛ ИЛОВАСИ**

Нарбаев Шарафитдин Кенгешович

Тошкент менежмент ва иқтисодиёт институти

Биринчи проректори., доцент.

Атаков Маъруф Омонжонович

“ЎЗДАВЕРЛОЙИХА” ДИЛИИ мустақил тадқиқотчи.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13294103>

Шаҳарлар ерларидан фойдаланишни баҳолаш комплекс тарзда амалга оширилади.

Ердан фойдаланишни ижтимоий, иқтисодий, рекреатцион, экологик ҳолатларини инобатга олган ҳолда баҳоланиши зарур. Турли баҳолаш услубларини қўллаш асосида шаҳар ерларидан фойдаланишнинг умумлаштирилган самарадорлигини ошириш имконияти яратилиди.

Шаҳар аҳоли пункт ерларидан фойдаланишда Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ти қонун, Шаҳарсозлик кодекси, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ти қонунлари асос қилиб олинади. Шахарлардаги ер ресурсларини бошқариш, кадастр хизматлари, ер участкаларини ажратиш, ер участкаларига баҳо белгилаш, ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни назорат қилиш, ердан фойдаланишда солиқ тўлов тамойиллари турли ташкилотлар томонидан юритилиб келинмоқда.

Бухоро вилоятида шаҳар ва шаҳарчалар ерларидан оқилона фойдаланиш бўйича бир қанча зарурий тадбирлар ишлаб чиқиши, ажратилган ер майдонларидан оптималлаштириш, улардан фойдаланишни баҳолаш, ердан фойдаланишни тартибга солиш учун даврий назорат ишларини олиб бориш ишларини йўлга қўйилиши тақозо қилинади.

Бунда шаҳар ва шаҳарчалар аҳоли пунктларининг хусусиятлари инобатга олиниши ва худудларни мажмуали ривожлантиришга ва шаҳарлар ерларидан фойдаланишни самарали бошқаришга имкониятига кенг йўл очилади.

Бухоро шаҳар ер тоифасининг тегишли турига қараб ер майдонларининг юқори аниқликдаги ҳисобини юритишида ва ГАТ маълумотлар базасини шакллантиришда техник, табиий, иқтисодий, ижтимоий омиллар асосидада тузилган қуйидаги механизм таклиф қилинди:

Техник омиллар. Шаҳарда ер ҳисобини юритишида техник жиҳатдан қўйидаги омилларга асосланади:

- 1) шаҳарнинг маъмурий-худудий чегарасини белгилашда бутунжаҳон координаталар тизимиға боғланиб қайтадан ўрнатиш ва ўлчаш ишларини (WGS-84) боғланиб амалга ошириш орқали ер майдонларидағи фарқларни аниқлаш;
- 2) Шаҳар ер ҳисобини юритишида асосий қўргазмали восита картографик материалларини тавсия қилинган масштабларда тузиш. Унга қўра бинолар ва иншоотлар давлат кадастри ва давлат шаҳарсозлик кадастри карталари учун 1:100, 1:500, 1:1000, 1:2000 ва 1:5 000, ҳамда 1:10 000 масштабларни қўллаш тавсия этилади.
- 3) шаҳар учун ажратилган ер участкаларини белгилаш жараёнидаги ҳар қандай иш жараёни айнан ўша соҳа мутахассислар иштирокида бўлмаслиги (ер ҳисоби натижаларини ҳаққонийлигига шубҳа уйғотади. Масалан: чегарадош қўшни ерларни бир биридан ажратишдаги номутаносибликлар);
- 4) шаҳар ерларига ажратилиши кутилаётган ерларни ҳам ер ҳисобини юритишида ҳисобга олинаётган ер фонди тоифалари бўйича ер балансини юритиш;
- 5) шаҳарга ажратилган ерлардан унумли фойдаланмаслик, кўп қаватли уйлар атрофидаги бўш турган ерлар қайси ер фондига тегишли эканлиги тўғрисида маълумотларга аниқлик киритиш;
- 6) шаҳар ерлари ҳисобини юритишида ер майдонларини ўлчашда замонавий юқори аниқликдаги геодезик асбоблардан фойдаланиб ҳам ер майдонларини миқдорий жиҳатдан ҳисобини юритиш;
- 7) ГАТ оиласига мансуб дастурий таъминотлардан фойдалангандан ҳолда яратилган электрон рақамли хариталар ер майдонларидағи ўлчов хатоликларини аниқлигини оширади.

Табиий омиллар. Шаҳарда ер ҳисобини юритишида табиий жиҳатдан қўйидаги омилларга асосланади:

- 1) шаҳар жойлашаган худудда рельеф қанчалик мураккаб бўлса хариталардаги майдон билан амалдаги майдон ўртасидаги фарқлар ошиб бориши мумкин. Рельеф худудлар кесимида хариталарини яратишида аэрокосмик суратлардан фойдаланилади.
- 2) ер ости сувларининг кескин кўтарилиши ҳам ер фонди тоифалари ва турларининг ҳам ўзгаришига олиб келиши мумкин.
- 3) яйловларда ўтказилган геоботаник тадқиқотлар натижаларига қўра айрим худудларда яйловларнинг деградатсиясига учраши ҳолатлари ҳам кузатилган.

Иқтисодий омиллар.

- 1) юқори аниқликда ер ҳисобини олиб боришда мутахассисларнинг доимий рағбатлантириш;
- 2) тегишли ташкилотларда моддий-техник базасининг замонавий дастурлар билан доимий шакллантириш.

Ижтимоий омиллар.

- 1) бугунги кунда ер ҳисобини юритувчи тажрибали ва малакали мутахассислар билан таъминлаш;
- 2) олий ўқув юртлари билан ишлаб чиқариш ташкилотлари билан алоқаларини узлуксиз амалга ошириш;
- 3) кадрлар қўнимсизлигини олдини олиш;

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадқиқот обьектида замонавий усуллар асосида ер ҳисобини юритишда маълумотлар базасини такомиллаштириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш зарурлиги инобатга олинди.

Ушбу зарурат инобатга олинниб бугунги кунда иқтисодий жиҳатдан кам харж, иш унумдорлиги юқори, ишлаш учун қулай бўлган дастурий таъминот яратиш орқали шаҳар ерларида учрайдиган турли муаммоларни имкон қадар бартараф этиш мумкинлиги исботланди ва *onlayn* ва *oflayn* ишлаш имкониятига эга бўлган мобил илова ишлаб чиқиш мақсад қилиб олинди.

Тадқиқот давомида шаҳар ерларидан самарали ва оқилона фойдаланиш механизмини такомиллаштириш мақсадида шаҳарлар учун ажратилган ер майдонларидағи ер учусткалари ва ундаги кўчмас мулк обьектлари ҳамда улардан фойдаланишларни мониторинг қилишни замонавий усуллар орқали амалга ошириш тизими такомиллаштирилди.

Бунда, шаҳарларда ер ҳисобини юритиши мақсад қилиб олинди.

Ишлаб чиқилган *шаҳар ер ҳисоби* лойиҳаси асосида муаллиф томонидан “Urban Land Surveying” мобил иловаси ишлаб чиқилди.

“Urban Land Surveying” мобил иловаси “Android” платформада ишловчи мобил қурилмалар учун яратилган бўлиб, дастурлаш жараёнида *.idea, *.app, *.gradle/wrapper “*.init” форматидаги кодларни гурухловчи плагинлар яратилди (1-расм).

Мақсадли олиб борилган тадқиқотлар натижаларини ишончлилиги таъминлаш учун дастурлаш тилларидан фойдаланган ҳолда *onlayn* ва *oflayn* ишлатиш мукин бўлган “Urban


Land Surveying” мобил иловаси орқали Uzkad, Geoportal ва бошқа порталларга интеграция қилиш имкони бериши инобатга олинди ва амалиётга тадбиқ қилинди.

Мазкур мобил илова JavaScript дастурлаш тили ёрдамида амалга оширилди.

Мазкур “Urban Land Surveying” мобил иловаси ёрдамида қўйидаги маълумотларни жойнинг ўзида мобил қурилмага ўрнатилган ҳолда ўрганилаётган худуднинг (умумий ер майдони, ердан фойдаланувчи, солиқ зонаси, кадастр рақами, мулкнинг кадсатр баҳоси ва шунга ўхшаш бошқа маълумотларни шакллантириш) ҳамда ArcGIS дастурий таъминотига интеграция қилиш имконига эга ҳисобланди.

Мобил иловадан фойдаланиш тартиби қўйидаги кетма-кетлик асосида олиб борилади.

1. Мобил илова ишга туширилганда рўйхатдан ўтиш ёки мавжуд ҳисобга кириш талаб этилади.




1-расм. Мобил иловада рўйхатдан ўтиш ёки мавжуд ҳисобга кириш

2. Андроид орқали дастурга кириргандан кейин ўрганилаётган ер участкаси ҳақидаги маълумотларни киритиш ойнаси чиқади ва бир вақтни ўзида ахборотларни географик маълумотлар базасига боғланган ҳолда киритиб бориш имкони пайдо бўлади (2-расм).

3-расм. Мобил иловада объектга тегишли маълумотларни киритиш ойнаси

3. Ўрганилаётган объектга тегишли маълумотлар киритиб бўлингандан сўнг харитага ўтиш тугмаси босилади ва онлайн режимда объектни картада белгилаб сақлаш тугмаси босилади (3-расм).



4-расм. Мобил иловада объектни харитада белгилаш ва маълумотларни сақлаш жараёни

Ишлаб чиқилган бу мобил илова бир вақтнинг ўзида объектни дала шароитида ўрганиш ва ахборотларни маълумотлар базасига киритиб бориш орқали мобил қурилмада қуидаги кўринишдаги маълумотлар шаклланади.

Ишлаб чиқилган “Urban Land Surveying” мобил иловасининг қулайликлари шундан иборатки,

- иловани ҳар қандай андироид қурилмаларига осон ўрнатилиши;
- объект тўғрисидаги юқори аниқликдаги маълумотларни тўплаш;
- бир вақтнинг ўзида маълумотларни қайта таҳрирлаш;
- бошқа платформаларга *onlayn* ва *oflayn* интеграция қилиш;
- маълумотларни серверларга узатиш ва сақлаш;
- маълумотларни қайта ишлаш учун тўғридан тўғри масофадан ArcGIS дастурий таъминотига юбориш.

Мобил илова ёрдамида маълумотларни шакллантириш Бухоро шаҳар Бунёдкор МФЙ мисолида амалга оширилди (1-жадвал).

1-жадвал

**Бухоро шаҳар Бунёдкор МФЙ даги турар жой обьектларини Urban Land Surveying
мобил илова ёрдамида маълумотларни шакллантириши**

| Ma'lumotlar nomi | Yer ma'lumotlari |
|-------------------------------|--|
| Viloyat | Buxoro |
| Shaxar | Buxoro / sh |
| Tuman | - |
| Qishloq | - |
| MFY/SHFY | Bunyodkor |
| Yer va mulk foydalanuvchisi | yuridik |
| Yer toifasi | Aholi punktlari |
| Kadstr raqami | 20:12:01:35:01:0400 |
| Obyektning nomi | Turar joy |
| Obyektning manzili | Bunyodkor MFY, Mustaqillik ko'chasi 10/1 |
| Xuquq turi | Domiy |
| Davlat ruyxatiga olingan sana | 12.01.2002 |
| Maydon | 6200 |
| Maqsad vazifasi | Yashash joyi |
| Soliq zonasasi | 2 |
| Qiymati (so'm) | 150000 |

Ишлаб чиқилган **Urban Land Surveying** мобил иловаси ўрганилган объект түғрисидаги шакллантирилган маълумотларни давлат кадастр палатаси томонидан амалиётда қўланилаётган Uzkad, Geoportal дастурларига интеграция қилиш имкониятини ҳам яратади. Ушбу дастурий таъминотлар ёрдамида ҳудудлардаги шаҳар ерларининг давлат ягона кадастр тизимини (ДКЯТ) шакллантириш имкониятини беради.

Тадқиқот жараёнида Бухоро шаҳар Бунёдкор МФЙ ҳудудидаги ер участкалари ва кўчмас мулк объектлари түғрисидаги маълумотларни ArcGIS дастурий таъминотига интеграция қилиш ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш жараёни кўриб чиқамиз.

“Urban Land Surveying” мобил иловасида қайд қилинган маълумотларни қайта ишлаш ҳамда ўрганилаётган объектнинг ракамли электрон хариталарини тузиш учун ArcGIS дастурига интеграция қилиш керак бўлади. Бу жараён қуйидаги кетма-кетликда олиб борилади.

- тайёргарлик ишлари;
- жойда тадқиқотлар олиб бориш;
- тадқиқот натижаларини ишончлилигини текшириш;
- “Urban Land Surveying” маълумотларини ArcGIS дастурий таъминотига интеграция қилиш;
- интеграция қилинган маълумотларни ArcGIS дастурида қайта ишлаш;
- қайта ишланган маълумотларни сақлаш ва узатиш;
- маълумотларни амалиётга жорий қилиш.

Тайёргарлик ишлари - бу жараёнда ўрганилаётган объект түғрисидаги мавжуд бўлган архив маълумотлари, меъёрий хукукий хужжатлар билан танишиш каби ишлар амалга оширилади.

Жойда тадқиқотлар олиб бориш – жараёнида шаҳар ҳудудидаги ер ресурслари бўйича тадқиқотлар ердан фойдаланиш ҳолати, фойдаланиш мақсади, ердан фойдаланувчи, ер майдонларидан келажакда қандай мақсадда фойдаланиши каби маълумотлар ўрганилади.

Тадқиқот натижаларини ишончлилигини текшириш – мазкур жараёнда ўрганилаётган объектда олиган маълумотларни хукукий хужжатлар асосида ер майдонлари түғрисидаги маълумотларни ишончлиги таҳлил қилинади.

“Urban Land Surveying” маълумотларини дастурий таъминотга интеграция қилиш – бу босқичда ўрганилаётган объектнинг “Urban Land Surveying” мобил иловаси ёрдамида

шакллантирилган маълумотлар асосида худуднинг электрон рақамли харитасини тузиш учун ArcGIS дастурий таъминотига интеграция қилинади.

Интеграция килинган маълумотларни ArcGIS дастурида қайта ишлаш орқали ўрганилаётган объектининг маълумотлар базаси шакллантирилади ҳамда электрон рақамли харитаси тузилади.

Қайта ишланган маълумотларни сақлаш ва узатиш – мазкур босқичда дастурий таъминотлар ёрдамида қайта ишланган маълумотларни компьютерда ва марказий серверларда сақланади ҳамда ваколатли давлат органларга узатилади.

Маълумотлар асосида шакллантирилган электрон хариталарни амалаётда фойдаланиш учун чоп қилинади.

“Urban Land Surveying” мобил иловаси ёрдамида шакллантирилган маълумотлар асосида ўрганилаётган объектдаги кўчмас мулкларни кадастр маълумотларини ҳам қайта таҳрилаш имкониятини яратади.

Бунда қуйидагиларни амалга оширади:

1) Эълон қилинган кадастр тартиби ва келиб тушган рўйхатга олиш ҳужжатлари асосида рўйхатга олиш ҳужжатларининг электрон намуналарини олиш, ер участкаси тўғрисидаги маълумотларни “Давлат кўчмас мулк кадастри” автоматлашган ахборот тизимига киритиш;

2) Эълон қилинган кадастр тартибига асосланиб, кадастр жараёнини тўхтатиб туриш ва уни амалга оширишни рад этишга қонуний асослар йўқлигини аниқлаш учун рўйхатга олиш маълумотлари ва ҳужжатларини текшириш, текшириш натижалари бўйича баённома тузиш;

3) Кадастрни рўйхатга олиш органи кадастр тартибини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилганда:

- кадастрга тегишли маълумотларни киритиш;
- кадастрдан кўчирма тайёрлаш; кадастр ҳужжатларини электрон шаклда шакллантириш;
- “Давлат кўчмас мулк кадастри” автоматлашган ахборот тизимида тасдиқланган кадастр маълумотларини ва кадастр ҳужжатларини тегишли кадастр худудига ўтказиш.

4) Кадастрни рўйхатга олиш органи кадастр тартибини амалга оширишга рухсат бермайдиган қарор қабул қилганда: рўйхатга олиш файлини тегишли кадастр туманига ўтказиш.

5) Кадастрни рўйхатга олиш органи қуйидагиларни амалга оширади:

- текшириш натижаларининг қонун хужжатлари ва рўйхатга олиш хужжатлари қоидаларига мувофиқлигини назорат қилиш (текшириш натижаларини тасдиқлаш);

6) Текшириш натижаларини тасдиқлашда тегишли қарорлар қабул қилиш:

- кадастр тартибини амалга ошириш тўғрисида;
- рўйхатга олишни амалга оширишни тўхтатиб туриш тўғрисида;
- рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида;
- кадастрдаги хатоларни тузатишни рад этиш;
- илгари рўйхатга олинган ер участкалари тўғрисидаги маълумотларни киритишни рад этиш, шунингдек қарорларни назорат ва рўйхатга олиш бланкасига расмийлаштириш тўғрисида. Текширув натижалари тасдиқланмаса, янги текшириш баённомаси тузилади ва тегишли қарор қабул қилинади;

7) Кадастр тартибини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилишда:

- текшириш баённомаси ва қарорни қоғозда чоп этиш ва тасдиқлаш;
- рўйхатга олиш файлини кадастр маълумотларини қайта ишлаш бўлимига, текшириш баённомаси ва қарорнинг қоғоздаги нусхаларини кадастр туманига ўтказиш;
- электрон шаклда тайёрланган кадастрдан кўчирмаларни тасдиқлаш;

8) Кадастр тартибини амалга оширишга йўл қўймайдиган қарор қабул қилинганда:

- қарорни назорат ва рўйхатга олиш варагасида қайд этиш;
- текшириш баённомаси ва қарорини қоғозда чоп этиш ва тасдиқлаш;
- ариза берувчига қарор бериш (йўналтириш);
- рўйхатга олиш файлини кадастр маълумотларини қайта ишлаш бўлимига ҳамда текшириш баённомаси ва қоғоздаги қарорнинг нусхалари кадастр округига ўтказиш.

9) Кадастр маълумотларини қайта ишлаш бўлимидан рўйхатга олиш файлининг кадастр маълумотларини қабул қилиш ва кадастр амалиёти натижалари бўйича электрон шаклда тайёрланган кадастр тумани даражасида кадастрдан қўйидаги кўчирмалар амалга оширилади:

- кадастрдан кўчирмаларни қоғозда чоп этиш, уларни тасдиқлаш ва ариза берувчига бериш (юбориш), бу ҳакда “Давлат кўчмас мулк кадастри” автоматлашган ахборот тизимида тегишли ёзув қўйилади;
- кадастр ишларини (қоғозда) текшириш баённомалари ва қарорларини киритган ҳолда шакллантириш ва уларни марказлаштирилган архивга топширилгунга қадар сақлаш;
- текшириш баённомалари ва қарорларини киритган ҳолда рўйхатга олиш ишини (қоғозда) шакллантириш ва сақлашни таъминлаш.

Давлат күчмас мулк кадастри бүйича автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш учун ахборот технологиялари соҳасидаги энг сўнгги ютуклардан (МББТ, маълумотларни кидириш тизими, веб-технологиялар, электрон хужжат айланиши технологиялари ва географик ахборот технологиялари) фойдаланилди.